

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман суди 2025 йил февраль ойининг 26 куни, ўз биносида, очик суд мажлисида, ВКА режимида, қуйидаги таркибда:

Суд раиси О.Ҳайитов раислигида,
халқ маслаҳатчилари – Р.Хуррамов ва А.Холматовлар,

судья ёрдамчиси Х.Абдусаломованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қизириқ туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Мусаев ва ёрдамчиси Б.Аллаяров, судланувчи ХХХХ ва унинг адвокати С.Турдиев, жабрланувчи қонуний вакили ХХХХ ва унинг вакили адвокат Ф.Мирзаев иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан айбланган

ХХХХ, 27.04.1977 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотларини олмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Сурхондарё вилояти, [REDACTED] маҳалласида яшовчи, иш бўйича 18.10.2024 йилда “Қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 17.10.2024 йилдан камокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

1-1907-2401/76-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХХ 2024 йил 16 октябрь куни соат 19:30 ларда Музработ тумани [REDACTED] яшовчи фуқаро ХХХХнинг яшаш хонадонига маст ҳолатда бориб, қизи ХХХХ билан “ишқий муносабатда бўлиб юрганидан гумон қилиб ҳамда 12.10.2024 йилда қизи ХХХХнинг яшаш уйига кирганлиги, маҳаллада шарманда бўлган” лиги сабабли ундан ўч олиш ва қасддан ўлдириш мақсадида, ўзи билан бирга олиб келган пичоғи билан яшаш уйи ҳовлисида ХХХХнинг турмуш ўртоғи ХХХХнинг кўз ўнгида ХХХХнинг кўкрак қафасига ва қорин соҳасига икки маротаба санчиб олиб, ХХХХнинг ҳаёти учун хавfli бўлган турдаги тан жароҳатларини етказган ҳамда воқеа жойидан яширинган.

Натижада ХХХХ оғир тан жароҳатлари билан туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган, кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан ХХХХ вафот этган.

РСТЭИАМ Сурхондарё филиали Музработ пунктнинг 25.10.2024 йилдаги 32-сонли хулосасида, марҳум ХХХХнинг ўлимига кўкрак қафаси ва қорин бошлиғига тешиб ўтувчи санчма-кесма жароҳатлари, юракнинг ўнг бўлмачаси ва чап ўпка юқори бўлагининг санчиб кесилган жароҳатлари сабаб



бўлганлиги, ушбу жароҳатлар ўлимдан олдин олинган бўлиб, мазкур ўлим содир бўлиши билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги ҳамда ўткир санчувчи-кесувчи жисмнинг икки маротабалик зарби таъсирида келиб чиққанлиги, ушбу жароҳатларни оғирлик даражасига кўра ҳаёт учун хавфли бўлган “оғир” турдаги тан жароҳатлари деб баҳоланганлиги кўрсатилган.

Судланувчи ХХХХ айбига қисман иқrorлигини билдириб, терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, судда фуқаро ХХХХ билан 1999 йилда турмуш қурганини ва ҳозирга қадар бирга яшаб келишини, ўрталарида 4 нафар фарзанди борлигини, катта фарзанди ХХХХ 23.03.2000 йилда туғилганини, қизи маҳаллада яшовчи ХХХХга 2018 йилда турмушга чиққанини ва бирга яшаб келганини, турмушида икки нафар фарзанди бўлганини, 12.10.2024 йилдан бошлаб уйда яшаб келишини, иккинчи фарзанди ХХХХ 17.05.2002 йилда туғилганини, у ҳали уйланмаганини, Россия Федерациясида ишлашини, учинчи фарзанди ХХХХ 14.06.2004 йилда туғилганини, ҳозирда уйдалигини ва турмушга чиқмаганини, тўртинчи фарзанди ХХХХ 20.10.2010 йилда туғилганини, тумандаги 16-сонли умумий ўрта таълим мактабида 8-синфда ўқишини, қизи ХХХХ 2018 йилда куёви ХХХХга турмушга чиққанини, 2022 йилда ўзи яшайдиган маҳаллага қайнота ва қайнонаасидан алоҳида кўчиб чиқиб, куёви билан бирга яшаб келишини, куёви ХХХХ доим Россия Федерациясига бориб ишлаб келишини, шу сабабли 2024 йил тахминан май ойларида куёви ишлаш мақсадида яна Россияга кетганини, шу сабабли, қизи ХХХХ икки фарзанди билан яшаш уйда қолганини, унинг уйдан ва рўзғоридан ўзи хабар олиб туришини, 2024 йил 12 октябрь куни тунги соат 22:00-23:00 лар орасида қизининг амаки қайнақаси Жўраев Мажит укаси ХХХХка қўнғироқ қилиб, қизининг уйда маҳаллада яшовчи фуқаро ХХХХ билан бирга ушлаб олганини, шу сабабли тезда келиб, қизини олиб кетишини сўраганини, шу сабабли, у укаси О.Хуррамов ва турмуш ўртоғи ХХХХларни олиб, қизининг уйига борганини, қизининг уйига борганида унинг қайнақаси М.Жўраев, ХХХХни уриб, уйига жўнатиб юборганини, ХХХХни қизининг уйига келганини кўриб қолиб, уни ушлаб олганини, шу сабабли қизини олиб кетиш кераклигини айтганини, кейин М.Жўраев билан ортиқча гаплашиб ўтирмасдан қизи ХХХХ ва унинг фарзандларини олиб, яшаш уйига тунда олиб келганини, қизидан нима бўлганини сўраганида қизи шу куни 21:00 лар атрофида маҳаллада бўлган тўйдан келганини, уйига кириб фарзандларини ухлатиб турган вақт тўсатдан ХХХХ кириб келганини, шу вақт у билан бир вақтда амаки қайнақаси М.Жўраев ҳам кириб келганини, нима бўлганини тушунтирмасдан туриб М.Жўраев уни уриб кетганини ва қўнғироқ қилганини, ХХХХ билан ишқий муносабатда бўлмаганини ва турмуш ўртоғига хиёнат қилмаганини айтганини, шундай бўлса-да, қизи ХХХХни уйга олиб келган вақт бўлган ҳолатни қўтара олмай бироз урганини, лекин тан жароҳати етказмаганини, кейин қизи ХХХХни ургани сабабли бирор қорхонга олиб қолмаслик учун онаси Жўраева Ойгул қизини ўзининг уйига олиб кетганини, сабаби, унинг уйдан кейин онасининг уйи жойлашган бўлиб, улар ўзаро қўшни бўлиб яшашини, ушбу воқеаларнинг барчаси 12.10.2024 йилдан 13.10.2024 йилга ўтар кечаси содир бўлганини, бу воқеаларга қадар маҳаллада яшовчи фуқаро



XXXXни танишини, ушбу фукаро “Акфа” маҳсулотларидан эшик ва ром ясаб юришини, шунингдек яшаш уйдан тегирмон очган бўлиб, маҳалладагиларнинг буғдойларини ун қилиш билан шуғулланишини, уни тадбиркор сифатида танишини, XXXX билан бирор марта шахсий адоватлари бўлмаганини, олдиндан давом этиб келаётган тушунмовчиликлари ёки келишмовчиликлари ҳам бўлмаганини, шундан кейин, унинг тинчи йўқолганини, ушбу ҳолат маҳаллада ёйилиб кетса нима бўлиши ҳақида ўйлаб, ор-номусга чидай олмаганини, кейин бошига ҳар-хил фикрлар кела бошлаганини, бошига ҳамма ҳолатларни унутиб, Россияга кетиб юборишга ўхшаган турли чалкаш фикрлар кела бошлаганини, кўп нарсаларни ўйлайверганидан боши оғриб қолганини, шу сабабли уйқусизликка учраганини, тинч ухлай олмаганини, 2024 йил 16 октябрь куни эрталаб соат 07:00 ларда уйқудан турганини, уйқудан туриб, юз қўлларини ювганидан кейин нонушта қилганини, кейин дам олиб ётганини, шу куни тушликка ётиб, тушликда туриб овқатланганидан кейин яна ётиб дам олганини, кейин шу куни соат тахминан 17:00 ларда кичкина қизи Г.Абдукаримованинг қўлига 35.000-40.000 сўм атрофида пул бериб, маҳалладаги Ғайрат исмли дўкончининг олдига ароқ олиб келиши учун юбормоқчи бўлиб турганида, турмуш ўртоғи унга уйда ароқ борлигини, ичгиси келаётган бўлса, шу ароқни ичиши мумкинлигини айтганини, уйда “Квадрат” номли 0,5 литрли ароқ борлигини, очилган ва озгина қисмини ичилган ҳолда эканини, кейин шу ароқни бир ўзи яшаш уйда ҳаммасини ичиб қўйганини, ароқни кечки овқатдан олдин ичгани сабабли қорни оч эканини, яъни оч қоринга ароқ ичганини, ароқ ичаётган вақтида яшаш уйда бўлган олма мевасини тамадди қилганини, шу ароқни бир ўзи 2024 йил 16 октябрь куни соат 17:00 дан 18:00 ларга қадар ичганини, кейин ароқ тугаб қолганидан сўнг кичик қизи Г.Абдукаримовани яна юқоридаги маҳаллада ишловчи Ғайрат исмли шахснинг дўконига ароқ олиб келиш учун қўлига 40.000 сўм атрофида пул бериб юборганини, қизи дўкондан яна бир дона 0,5 литрли “Квадрат” номли ароқ олиб келганини, кейин ушбу ароқни кечки овқатга қўшиб, яна соат тахминан 19:00 ларга қадар ичиб ўтирганини, ҳар иккала ароқни ҳам бир ўзи ичиб қўйганини, кейин етарли даражада маст бўлиб қолганини, шу вақт, яъни соат тахминан 19:00 лар атрофида кечки овқатни еб бўлганидан кейин маст ҳолатида қизи XXXX ва маҳалладоши XXXX билан бўлган ҳолат яна эсига тушганини, бундан ташқари, шу куни соат тахминан 16:00 ларда маҳалла раиси ва хотин қизлар фаоли уйига келганини кўрганини, улар ҳам қизи XXXXга алоқадор масала бўйича келганини сезганини, бироқ, маҳалла раиси ва унинг хотин-қизлар бўйича фаоли билан гаплашмаганини, уларнинг нима деганини эшитмаганини, уларнинг қизи масаласида келганини сезганини, улар қизи яшаётган онасининг уйига турмуш ўртоғи билан бирга ўтиб кетишганини, шунда бу ҳолатдан маҳалладагилар ҳам хабар топганини билиб, баттар жаҳли чиққанини, шундай қилиб, 2024 йил 16 октябрь куни соат 19:00 лар атрофида бўлган ҳолат эсига келаверганидан жаҳли чиқиб, яшаш хонасига кирганини, яшаш хонасида эски даврда одамлар фойдаланадиган катта кийим жамодон туришини, ушбу жамодоннинг ичида турли ҳужжатлари ва ўзига тегишли буюмларни сақлашини, жамодоннинг



ичида 2010 йилларда Россиядан ишлаб қайтаётганида ўзи билан бирга олиб келган икки тарафлама тиғли (кесувчи) пичоғи борлигини, пичоқни 2010 йилларда Россиядан ишлаб юрганида олиб келганини, 2010 йилларда Божхона хизматларида текширувлар унчалик қаттиқ бўлмагани сабабли пичоқни сумкада ўтказиб келаверганини, ушбу пичоқни олиб, ХХХХни кўрқитиш ва қизига қилган ишидан ҳисоб сўраш учун бормоқчи бўлганини, шу сабабли, пичоқни олмоқчи бўлиб хонасига кирганини лекин бу ҳақида бирор шахсга, турмуш ўртоғига ҳам айтмаганини, пичоқни бирор шахсни ўлдириш ниятида эмас, шунчаки Россиядан олиб келгани учун кадрли буюм сифатида хонасида сақлаганини, қизи ХХХХни яшаш уйига олиб келган куннинг эртаси, яъни тахминан 2024 йил 14 октябрь кундуз куни тушлик вақтида ҳам ХХХХнинг уйига гаплашиб олиш мақсадида борганини, бироқ ХХХХ уйида йўқ эканини, кейин уни топа олмасдан уйига қайтганини, шундан кейин ХХХХнинг турмуш ўртоғи унинг турмуш ўртоғига кўнғирок қилиб, гаплашиб олишни сўраганини, кейин турмуш ўртоғи унга бўлган ҳолатни айтганида ХХХХнинг турмуш ўртоғини иши бўлса уйга келиб гаплашиши кераклигини айтганини, кейин яна ХХХХнинг ўзи билан гаплашишни хоҳлаб, унинг уйига 14.10.2024 йилда борганини, уйдан топа олмагани сабабли, унинг хотинига кўнғирок қилганини, бироқ телефонини кўтармаганини, шу сабабли, улар билан гаплаша олмасдан қолганини, шундай қилиб, шу куни пичоқни ўзи билан олиб, соат тахминан 19:00 ларда туманнинг “А.Қодирий” маҳалласида яшовчи Абдуғаффор исмли шахсдан 53.500.000 сўм сотиб олган, бироқ ҳали ҳужжатларини номига расмийлаштира олмаган, бош ишончнома асосида бошқариб юрган ХХХХ (автомашинанинг давлат рақами ҳарфлари эсида эмас) давлат рақам белгили “Нексия-1” русумли автомашинасини бошқариб, бир ўзи ХХХХнинг уйига маҳалладаги ўтувчи катта асфалт йўл орқали борганини, бирор корҳол бўлса, ўртасида жанжал чиқадиган бўлса автомашинага тош отиб ёки бошқа усулда зарар етказмаслиги учун автомашинани ХХХХнинг уйдан тахминан 100 метрларча узоққа қўйганини, эғнида кулранг эркаклар жемпери, қора ёқали футболка ва сариқ рангли эркаклар шими борлигини, пичоқни эғнидаги кулранг жемперининг ўнг ташқи чўнтагига солиб, ХХХХнинг уйига келганини, шунда ХХХХнинг яшаш уйи асосий дарвозасини жаҳл устидан одатдагидан кўра қаттиқ уриб тақиллатганини, шу вақт, эшикни ХХХХнинг мактаб ёшларидаги қизи эшикни очганини, унинг қизидан отаси ХХХХ қаерда эканини сўраганини, унга ХХХХни қизи уни уйда эканини айтганини, кейин отасини чақиришни сўраганини, қизи ичкарига кириб кетиб, отасини чақирганини, кейин ХХХХ уйдан ўзи чиқиб келганини, шу вақт, ХХХХ унга эшик олдида келиб, салом-алиқ йўқ бирдан “-Ҳа, нима дейсан...нима учун келдинг.”-деб гапирганини, унинг бундай муносабатидан баттар жаҳли чиқиб кетганини, ўзини ушлаб тура олмаганини, бир оғиз ҳам гапирмасдан ўзи билан бирга олиб келган тиғи икки тарафлама кесувчи пичоқ билан ўнг кўлига пичоқни ушлаб, зарб билан пичоқни қорин ёки кўкрак қафаси соҳасига бир марта урганини, кейин ХХХХ бирдан ерга эшиги олдида йиқилиб, бақариб юборганини, шу вақт, ХХХХнинг турмуш ўртоғи чиқиб келиб у ҳам бақариб юборганини, шу сабабли унинг хотинига “-Йўқол, сенга



хам керакми?”-деб бақирганини, бироқ унинг хотинини уриш ёки оиласига зарар етказиш мақсади бўлмаганини, уни уйга кириб кетиш учун айтганини, ушбу ҳолатни гувоҳи бўлиб турган ХХХХнинг турмуш ўртоғини пичоқ билан уришга ҳаракат қилмаганини, агар уларни ҳам ўлдириш ёки зарар етказиш мақсади бўлганида уларга ҳам пичоқ билан зарба берган бўлишини, бироқ уларга бирор адовати ва ёмонлиги бўлмаганини, уларга зарар етказишни хоҳламаганини, шундай бўлсада, ХХХХ биринчи пичоқ зарбасини олиб ерга йиқилганидан кейин орадан тахминан 15-20 сония вақт ўтиб, ерда бақириб, сўкиниб ётган ХХХХни яна кўкрак қафаси соҳаси атрофига бир марта зарб билан пичоқ орқали зарба берганини, зарба берган вақтида ХХХХнинг турмуш ўртоғи йўқлигини, кейин чиқиб келиб, бор овози билан бақириб бошлаганидан сўнг ўзи кўрқиб кетганини, шунингдек кечқурун баланд шовқин овозини эшитиб, бошқалар ҳам ёрдамга етиб келишидан чўчиб, бирдан ҳодиса жойидан қочиб кетганини, ушбу ҳолат бўлганидан кейин ўзи билан бирга олиб борган пичоқни олиб кетиб, ўзи борган йўлда автомашинаси билан яшаш уйига қайтиб келганини, яшаш уйига қайтиб келиб кийимларини алмаштирамаганини, пичоқни ўзи билан бирга олиб келганини, уйга келганидан кейин яшаш уйининг орқа тарафида шохдор молларнинг томорқага солиш учун йиғиб қўйган ўғит тарафга пичоқни отиб юборганини, яшаш уйига борган вақти турмуш ўртоғига ХХХХни пичоқлаб келганини айтганини, кейин турмуш ўртоғи ҳам бўлган ҳолатни эшитиб, ўзини йўқотиб қўйганини, кейин укасига телефон қилиб бўлган ҳолатни айтганини, шундан кейин, уйда тахминан 5-6 дақиқа ўтирганидан сўнг, укалари ХХХХ ва Хуррамов Акмаллар келишиб, ушлаб, уйига олиб кетганини, ўзининг уйда ушлаб турмаслиги сабаби бирор жанжал қилишини олдини олмоқчи бўлишганини, кейин укалари маҳалла профилактика инспектори билан гаплашиб, маҳалла профилактика инспекторига топширишганини, шу вақт ҳам маст ҳолда келганлигини, ХХХХни ўлдириш нияти бўлмаганини, унинг қўпол муомаласидан кейин жаҳли чиқиб кетиб, унга пичоқ урганини, марҳум ХХХХни турмуш ўртоғига ҳам руҳий азоб бериш мақсади бўлмаганини, у марҳум ХХХХга пичоқ урганини унинг турмуш ўртоғи кўрмаганини, у айбига қисман иқрорлигини ва чин дилдан пушаймонлигини, вояга етмаган фарзандлари борлигини, ор-номус масаласида ушбу жиноятни содир этганини баён этиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гарчанд ХХХХ айбига қисман иқрор бўлса-да, унинг айби қуйида келтирилган далиллар билан ўз исботини топган. Хусусан:

- жабрланувчи қонуний вакили ХХХХ дастлабки терговда берган кўрсатувларини қисман тасдиқлаб, судда турмуш ўртоғи ХХХХ билан 1996 йилдан буён турмуш қуриб бирга яшаб келишини, турмуш ўртоғи тадбиркор бўлиб, акфа пластик ромларини ишлаб чиқаришини, жорий йилнинг 15 октябрь куни турмуш ўртоғи ва оила-аъзолари билан Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманига яқин қариндошининг тазиясига борганини, шундан сўнг Қашқадарёдан 16 октябрь куни соат тахминан 15:00 ларда уйга қайтиб келганини, шундан сўнг у ва турмуш ўртоғи уйда ўтирганини, ўғли Азизбек эса кимнингдир уйига эшик ўрнатиш учун соат тахминан 16:00 ларда чиқиб



кетганини, уйда оила-аъзолари билан соат тахминан 19:00 ларда кечки овқатни еб ўтирган пайтида уй эшигини деразаси тақиллаб, бир киши турмуш ўртоғини чақирганини, шу пайти қизи Дилнура ташқарига чиққанида “Отангни чақириб юбор” деган қаттиқ овоз эшитилганини, шу пайти қизи Дилнура уйга кириб отаси яъни турмуш ўртоғини ташқарига чиқишини бир эркак киши чақираётганини айтганини, шундан сўнг, турмуш ўртоғи ташқарига чиққан пайтида у ҳам унинг ортидан ташқарига ҳовлига чиққан пайтида унга таниш бўлган Музработ тумани, ██████████ маҳалласида яшовчи фуқаро ХХХХ кўлидиги пичоқ билан турганини, турмуш ўртоғини ерда ётганини кўрганини, бу ҳолатни кўриб, жуда қаттиқ кўрққанини, бақириб йиғлаб юборганида, унга қараб пичоқни кўрсатиб, “-Сенга ҳам керакми?”-деб пичоқни кўрсатганини, шу пайти ортига қараб йиқилганини, ерга ўтириб шок ҳолатга тушиб қолганини, шу пайт ХХХХ кўлидаги пичоқ билан ерда қонга беланиб ётган турмуш ўртоғининг қорин соҳасига бир маротаба санчиб олганини, шу ҳолатни ўз кўзлари билан кўрганини, шундан сўнг яна у дод солиб, ёрдамга атофдагиларни ва қўшнилари чақирганини, шундан сўнг ХХХХ, кўлидаги пичоқни ўзи билан бирга олиб, номаълум томонга қочиб кетганини, дарҳол турмуш ўртоғининг олдига югуриб борганида, унинг қорин ва кўкрак соҳаси ва кўллари қон бўлиб ётганлигини кўрганини, шу пайт уйдагилар дарҳол тез ёрдамга қўнғироқ қилишганини, шундан сўнг қўшилари Алимов Дилмурод ва унинг турмуш ўртоғи Янгибоева Гўзал ва бошқалар келишганини, турмуш ўртоғини тез ёрдам бўлимига олиб келганини, турмуш ўртоғи ХХХХ билан ХХХХ илгари бирор маротаба жанжаллашишмаганини, лекин 2024 йил 12 октябрь куни ХХХХнинг у тарафга келин бўлиб тушган қизи ХХХХнинг уйига турмуш ўртоғи эшик ва қулф ўрнатиб бергани учун хизмат ҳаққини олиш мақсадида борганида, келин бўлиб тушган ХХХХнинг қайнакалари турмуш ўртоғи ХХХХ билан ишқий муносабатда гумон қилиб, турмуш ўртоғига тухмат қилишгани ҳақида, турмуш ўртоғининг ўзи унга 2024 йил 13 октябрь куни айтиб берганини, ХХХХ турмуш ўртоғини қорин соҳасига бир маротаба пичоқ урганини кўрганини, у турмуш ўртоғини пичоқланишига қараб туриш унга жуда ёмон таъсир қилганини, шундан бери касал бўлиб қолганини, ҳолатни кўриб бақириб йиғлаганини, қўшнилари чақирганини, шундан сўнг турмуш ўртоғи шифохонада вафот этганини, судланувчи ХХХХга қонуний чора кўришни сўрашини баён этиб берган кўрсатуви;

- гувоҳ ХХХХ дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2024 йил 12 октябрь куни соат тахминан 22:00 ларда қайнукаси ХХХХ келиб, қизи ХХХХнинг қайнакалари телефон қилиб, ХХХХни олиб кетинглар деганини, шундан сўнг, у турмуш ўртоғи ХХХХ, қайнукаси ХХХХ ва унинг турмуш ўртоғи Наргиза билан қизи ХХХХнинг уйига боришганини, борганида қизининг уйида Иброҳим, Ботир ва Мажид исмли куёвининг қариндошлари туришганини, уларга қизингиз ХХХХнинг уйдан бегона ХХХХ исмли эркак чиқиб кетганини, хиёнат қилди деб қизини олиб кетишини айтганини, шундан сўнг, индамасдан қизини уйга олиб келганини, турмуш ўртоғи ХХХХ юзимни ерга қаратдинг деб қизи ХХХХни уйга киритмаганини, қизи бувисиникида яъни турмуш ўртоғининг онасиникида



колганини, бувисини уйи ҳам уларга қўшни жойлашганини, шу билан турмуш ўртоғи бундай қиздан воз кечганини, уни ва бошқа фарзандларини ҳам ХХХХ билан гаплашгани қўймаганини, шу билан вазият тинчиса қизи билан гаплашаман деб юрганини, 2024 йил 16 октябрь куни соат тахминан 16:00 ларда МФЙ раиси Саида опа ва хотин-қизлар фаоли Фазилат келишганини, уларга қизи ХХХХ қўшни уйда бувисиникида эканини айтиб, уларни бирга олиб боришганини, шундан сўнг, улар қизи ХХХХдан нима бўлганини, нима сабабдан уйга қайтиб келганлиги бўйича сўрашганини, қизи ХХХХ уларга яшаш уйини кулфи бузилганини, уйни тузатиш кераклигини Россияда ишлаётган турмуш ўртоғи айтганлиги боис, ХХХХ эшик кулфини тўғрилаб созлаб берганлиги ва маккани пресс қилиб берганлиги сабабли ундан 350 минг сўм қарз бўлганлигини айтганини, шу қарзни олиш учун ХХХХ 2024 йил 12 октябрь куни кечаси келганини, турмуш ўртоғи Россиядан пул жўнатмагани учун ўзини йиғиб қўйган пулидан бермоқчи бўлганида, қайнакаси Ботир келиб, жанжал қилиб, ота-онасини чақириб, уйдан чиқариб юборганини, қизи ХХХХ турмуш ўртоғига хиёнат қилмаганини, фақат пул олиш учун ХХХХ келганлигини айтганини, шу билан бирга ХХХХ қизи унинг автомашинасида дугонаси билан бирга турмуш ўртоғи ишлаган пулини олиш учун борганини расмга олганини, “-Турмуш ўртоғингга мени автомашинамга ўтирганингни расмини ташлаб бераман.”-деб у билан телефонда гаплашиб туришини айтганини қизи гапириб берганини, шундан сўнг МФЙ раиси ва хотин-қизлар фаоли Фазилат қайтиб кетишганини, улар ёмон гапирмаганини, МФЙга вақтлирок айтиш кераклиги, вазиятга ойдinлик киритишини айтиб кетганини, бошқа ёмон гап гапирмаганини, шундан сўнг, 2024 йил 16 октябрь куни кечки пайт турмуш ўртоғи кечки овқатдан олдин спиртли ичимлик истеъмол қилганини, кенжа қизи дўкондан ароқ олиб келиб берганини, турмуш ўртоғи ХХХХ ароқни ичиб маст бўлганини, унга қизинг юзимни ерга қаратди, кечдим ундай қиздан деганини, кейин жанжал бўлмасин деб секин қайнонасини уйига чиқиб кетганини, улар билан ярим соатлар чамаси ўтириб, ташқарига чиққанини, уйи олдига автомашина тўхтаганини, қизи ХХХХнинг қайнакалари келган бўлса керак деб югуриб борганини, борса ўзларининг “Нексия-1” русумли автомашинаси эканини, қараса турмуш ўртоғи ХХХХ дарвозани ёнида турган эканини, қаердан келяпсиз деб сўраганида, турмуш ўртоғи ану ифлосни уйига бориб келдим деганини, кимникига деб такрор сўраганида у аниқ жавоб бермаганини, шундан сўнг, унга онамларникига бор, ҳозир ички ишлар келади деб айтганини, шундан кўрқиб, юринг мен билан деб қайнонасини уйига олиб кетганини, ҳамма қайнукалари келганини, нима бўлганини сўрашганини, шунда турмуш ўртоғи ХХХХ ХХХХни пичоқлаб келганини айтганида, шунда қайнукаси ХХХХ профилактика инспекторига телефон қилиб, акаси ХХХХни пичоқлаб қўйганини айтганини, кейин ИИБ ходимлари келишганини, турмуш ўртоғи ХХХХни фуқаро ХХХХни пичоқлаб, ўлдириш нияти борлигидан хабари бўлмаганини, турмуш ўртоғи бу ҳақда унга айтмаганини, агар хабари бўлганида у бундай ҳолат келиб чиқишига йўл қўймаган бўлишини, турмуш ўртоғини жиноят қилишга



ундамаганини, унинг жиноят содир қилиш ниятидан хабари бўлмаганини баён этиб берган кўрсатуви;

- гувоҳ ХХХХ дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2018 йилда Мехригиёҳ маҳалласида яшовчи фуқаро ХХХХга турмушга чиққанини, ҳозирда 2 нафар фарзанди борлигини, бир нафар ўғил ва бир нафар қизи борлигини, уйда эшик қулфи бузилганлиги сабабли дадаси келиб созлаб бериб кетганини, эшик қулфи яна бузилгандан кейин турмуш ўртоғи ХХХХ ака қўшниси ХХХХ акага айтамин қилиб беради деганини, қўшниси ХХХХ ака ҳам таксист ва ҳам эшик акфа ясаб устачилик қилишини, ХХХХ ака такси бўлганлиги сабабли унинг автомашинасига иш юзасидан кўчага чиққанида ўтирганини, турмуш ўртоғи Россияга 2024 йил июль ойларида ишлаш учун кетганини, турмуш ўртоғи ва дугонасининг турмуш ўртоғи Амир ака бирга ишлаган жойдан пулини тўлиқ олмаганини, у ва дугонаси бирга пулни олгани ХХХХ акани автомашинасида такси заказ қилиб бориб келганини, ХХХХ ака яна эшигини қулфи бузилганлиги сабабли созлаб берганини, макка прес қилиб берганини, ХХХХ акадан 350 минг сўм қарз бўлиб қолганини, бу ҳақда турмуш ўртоғига айтганини, тахминан октябрь ойининг бошларида бозордан нарса олиб келаётганида ХХХХ акани автомашинасига такси сифатида ўтирганини, йўлда унга турмуш ўртоғингдан ажраш, менга хотин бўлгин, агар ўзинг ажрашмасанг мени автомашинамда ўтирганингни расмлари бор, турмуш ўртоғинга ташлаб бераман, оилангни бузиб ташлайман деб айтганини, шундан сўнг, автомашинани тўхтат деб тушиб қолганини, орадан яна 1-2 кун ўтиб уни бозорда кўриб қолиб, яна шунга ўхшаш гапларни қилганини, шундан сўнг, 2024 йил 12 октябрь куни соат 12:00 ларда ўзи гул ясаб ишлаб топган пулидан унинг 350 минг қарзини бериш учун ХХХХ акага телефон қилиб, пулини олиб кетиш кераклигини айтганини, у ўзим боряпман бориб оламан деганини, лекин автомашинаси билан келиб пулни олмасдан кетганини, унга телефон қилиб, пулни олиб кетинг деганида у кейин олишини, ҳозир қариндошиникида тўй бўлаётганлиги сабабли ош тарқатиб юрганини, унга ҳам дўконни олдида ош қўйиб кетганини айтганини, ошни олиб келиб, музлаткичга солиб қўйганини, шу куни кечга тўйга бориб келиб, болаларини ухлатиб, гул ясаб турганида эшик тақиллаганини, бориб очса ХХХХ ака келганини, нимага келдингиз деб сўраганида, у қарзимни бер деганини, хўп майли бераман деб турганида бошқа тарафдаги эшикдан қайнакаси Ботир ака келиб, жанжал қилганини, ХХХХ ака қочиб кетганини, бошқа қайнакалари ҳам келганини, шундан кейин ота-онасини чақириб, уйдан чиқариб юборганини, хиёнатда айблаб қизингизни олиб кетинглар деб ота-онасига айтишганини, ота-онаси уйга олиб келишганини, отаси уни уйга киритмаганини, бувисиникида қолганини, шундан сўнг турмуш ўртоғи билан гаплашмаганини, 2024 йил 16 октябрь куни соат 22:00 ларда онаси ва бошқа қариндошлар билан бувисиникида ўтирганида ИИБ ходимлари келиб, дадаси ХХХХни пичоқлаганини айтиб, дадасини олиб кетишганини, 2024 йил 16 октябрь куни кечаси қайнакаси ХХХХ келганда уни урмаганини, унга тан жароҳати етказмаганини, ўша куни дадаси пичоқлаганини эшитиб ҳаяжонда нима деб ёзганини ҳам билмаслигини, дадаси ХХХХ марҳум ХХХХни пичоқлаб, ўлдириш нияти



борлигидан хабари бўлмаганини, дадаси бу ҳақда унга айтмаганини, 2024 йил 12 октябрь куни уйида бўлган жанжал юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмаганини баён этиб берган кўрсатуви;

- гувоҳ ХХХХ дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда

_____ бўлиб ишлаб келишини, ХХХХ унга узоқ қариндош бўлишини, унинг қизи ХХХХ билан амакисининг ўғли ХХХХ Нормўминов бирга турмуш куриб, 2018 йилдан буён яшаб келишини, жорий йилнинг июлида жияни ХХХХ Россия Федерациясига ишлаш учун кетганини, унинг турмуш ўртоғи ХХХХ ва 2 нафар фарзандлари ўзларининг уйида яшаб келаётганини, шундан сўнг, жияни Россияда бўлган пайти, келини ХХХХ кимдир билан ишқий муносабатга киришганини, унинг уйига бегона эркак келаётганлиги ҳақида ҳар-хил гаплар эшитиб юрганини, 2024 йил 12 октябрь куни соат тахминан 12:00 ларда қўшниси ХХХХ ака маҳаллада бўлаётган тўйдан ош ва бошқа маҳсулотлар олиб келиб ХХХХ келини турадиган уйни ёнидаги дўконнинг столига қўйиб кетганини, ушбу нарсаларни келини ХХХХ чиқиб олиб кетганини, шундан у яна шубҳалана бошлаганини, шу куни кечқурун тўйга бориб, қайтиб келиб соат 22:00 ларда дўконни ичида ўтирганида, бир нотаниш одам ўтиб кетиб, келини ХХХХ яшайдиган уйга кириб кетганини, шундан сўнг унинг изидан кузатиб борганини, унга нотаниш бўлган эркак киши келини ХХХХ яшайдиган уйга кириб кетганини, бироздан сўнг қайтиб чиқиб уёқ-буёққа қараб яна уйга қайтиб кириб кетганини, шунда унинг изидан бориб, уйга кирмоқчи бўлганида уй қулфланганини, уйни орқа томонидан айланиб ўтиб, очиқ деразадан кирганини, шунда деразадан йиқилиб тушганини, шу пайт эркак киши эшикдан чиқишга ҳаракат қилиб қочмоқчи бўлганини, шунда телефонини видеокамерасини ёқиб, эшикка боргунича 1-2 минут вақт ўтганини, шунда югуриб бориб эркакни ушлаганини, қараса ўзининг қўшниси ХХХХ ака эканини, ХХХХ ака шу билан чиқиб кетганини, унга индамаганини, келини ХХХХга қараб уялмайсанми бегона эркакни уйингга киргизишга деб гапирганини ҳамда юзига жаҳл устида икки шапалоқ урганини, лекин унга тан жароҳатлари етказмаганини, шундан сўнг, отасини, акаларини ва келинини ота-онасини чақирганини, бўлган ҳолатни айтиб, келини ХХХХни ота-онасига бериб юборишганини, шу билан ўзининг бошқа ишлари билан юрганини, ҳеч ким билан гаплашмаганини, 2024 йил 16 октябрь куни соат 21:00 ларда акаси телефон қилиб, ХХХХ ХХХХ акани пичоқлаб қўйганини айтганини, ҳақиқатдан ҳам ХХХХ акадан келини ва ХХХХни қарзи бўлганини, бироқ ушбу қарзни 2024 йил 12 октябрь кунидан олдин Россиядан туриб жияни ХХХХ акани пластик картасига ташлаб берганини, ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмаганини, ушбу шармандали ҳолатни ўзаро ҳал қилиш учун ота-онасига чақириб айтганини, ХХХХни марҳум ХХХХни пичоқлаб, ўлдириш нияти борлигидан хабари бўлмаганини, ХХХХ бу ҳақда унга айтмаганини, ХХХХни жиноят қилишга ундамаганини, унинг жиноят содир қилиш ниятидан хабари бўлмаганини баён этиб берган кўрсатуви;

- гувоҳ Қ.Алимов дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб,



судда 2024 йил 16 октябрь куни соат тахминан 19:00 лар атрофида уйдагилари билан овқатланиб, чой ичиб ўтирганида кўшниси ХХХХ акани уйдан бақир-чақир шовқин эшитилганини, шунда у ва турмуш ўртоғи Янгибоева Гузал иккаласи югуриб чиққанини, ХХХХ акани уйига дарвозадан кириб борганини, кириб борганида ҳовлида уйини эшигига кираверишда ХХХХ ака ерга қонга беланиб ётганини кўрганини, билса пичоқланган эканини, бироқ, у ва аёли ХХХХ акани ким пичоқлаганини кўрмаганини, кўшниси ХХХХ ака ерда ётган ҳолатда юрагини ушлаб турганини, бошқа жароҳатларини кўрмаганини, чунки устида кийимлари борлигини, шундан кейин, бошқа кўшнилари ва қариндошлари югуриб келишганини, ХХХХ акани ўзининг автомашинасида туман тиббиёт бирлашмаси тез ёрдам бўлимига олиб кетишганини, кейинчалик билишча ХХХХ акани судланувчи [REDACTED] пичоқлаганини эшитганини, сабабини аниқ билмаслигини, бироқ, маҳалладагилар айтишча, ХХХХнинг қизи билан ХХХХ ака ишқий муносабатга киришганидан гумон қилиб, ХХХХ ХХХХ акани пичоқлаб кетганини, 2024 йил 16 октябрь куни борганида ХХХХ акани бошқа оила-аъзолари жумладан турмуш ўртоғи ХХХХ ва бошқаларга тан жароҳатлари етказилганини кўрмаганини баён этиб берган кўрсатуви;

- гувоҳ ХХХХ дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2024 йил 16 октябрь куни эрталаб соат 6:00 ларда уйкудан туриб, яшаш хонадонига ўз ишларини қилганини, соат тахминан 7:30 лар атрофида “Дамас” русумли [REDACTED] автомашинаси билан киракашлик қилиш учун чиққанини, киракашлик қилиб, соат 19:30 лар атрофида яшаш хонадонига бориб, оила-аъзолари билан бирга нонушта қилганини, шу вақт ХХХХ акасининг турмуш ўртоғи [REDACTED] ва икки нафар қизи ХХХХ ҳамда ХХХХлар келганини, улар акаси ХХХХ спиртли ичимлик истемол қилганини айтганини, янгаси ва жиянларига акаси ХХХХ спиртли ичимлик истеъмол қилган бўлса, яшаш хонадонига қолинглар деганини, улар қолганини, орадан тахминан бир соатлардан сўнг “Меҳригиёҳ” маҳалла профилактика инспектори телефон қилиб, акаси ХХХХ қаерда деб сўраганини, профилактика инспекторига акаси ХХХХ ўзининг яшаш хонадонидалигини айтганини, унга акаси ХХХХ шу маҳаллада яшовчи фуқаро ХХХХга пичоқ билан бир неча жойига уриб тан жароҳати етказганини айтганини, шундан сўнг у акаси ХХХХнинг яшаш уйи олдида борган вақтида маҳалла профилактика инспектори телефон қилиб, аканг ХХХХнинг оила-аъзоларини акангнинг яшаш хонадонидан бошқа бирор-бир жойга олиб кетгин, фуқаро ХХХХнинг оила-аъзолари ва яқинлари акангнинг яшаш уйига келаётганини айтганини, шундан сўнг акаси ХХХХга яшаш хонадонига кетдик деб, у билан яшаш хонадонига келганини, акаси ХХХХ билан яшаш хонадонига кетаётган вақтида унинг қўлида ёки ёнида пичоқ борлигини кўрмаганини, акаси ХХХХ билан яшаш уйи ўртасидаги оралик масофаси тахминан 70-80 метр борлигини, акаси билан яшаш хонадонига келганидан сўнг “Меҳригиёҳ” маҳалласи профилактика инспекторига телефон қилиб, акаси ХХХХ унинг яшаш хонадонига эканини, келиб олиб кетинглар деганини, орадан биров вақтдан сўнг туман ИИБ ходимлари келиб акаси ХХХХни туман ИИБ маъмурий биносига олиб кетаётган вақтида ундан



пичоқ қаерда турганини сўраганини, уларга пичоқни кўрмаганини, акаси ХХХХнинг кўлида ёки ёнида пичоқ борлигини кўрмаганини, акаси ХХХХ унга пичоқни бермаганини, пичоқни бирор-бир жойга қўйганини ҳам айтмаганини, шундан сўнг туман ИИБ ва прокуратура ходимлари яшаш хонадонига келиб, ундан пичоқни сўраганида, уларга пичоқ қаердалигини билмаслигини айтганини, шундан сўнг улар акаси ХХХХнинг яшаш хонадони, яшаш хонадонининг ёрдамчи хўжаликлари ва автомашинасини кўздан кечиришини айтишганини, уларни акаси ХХХХнинг яшаш хонадонига олиб борганини, акасининг яшаш хонадони, автомашинаси ва яшаш хонадони ёрдамчи хўжаликлари ҳамда яшаш хонадони ён атрофини кўздан кечириш вақтида қора оқ рангли пичоқни топганини, шу қора оқ рангли пичоқнинг тиғи томонида қон доғлари борлигини кўрганини, пичоқни ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олишганини баён этиб берган кўрсатуви;

- томонлар розилиги асосида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ф.Даминова ва М.Тилововларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари;

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар, Мурдани ташқи кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлари, айбланувчи ХХХХнинг кўрсатувларини видео камера қўллаган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатлари баённомаси ва фотосуратлари, жиноят иши бўйича тайинланган суд тиббиёт экспертизасининг 25.10.2024 йилдаги 32-сонли хулосаси, жиноят иши бўйича тайинланган судга оид биология экспертизасининг хулосаси, жиноят иши бўйича тайинланган судга оид криминалистика экспертизасининг хулосаси, жиноят иши бўйича тайинланган судга оид наркология экспертизасининг далолатномаси, жиноят иши бўйича тайинланган судга оид психиатрия экспертизасининг хулосаси ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХнинг мархум ХХХХни қасддан ўлдириш мақсади бўлмагани ҳақидаги вазларини муҳокама қилиб, жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида ўйлаб топилган асоссиз вазлар деб топади ва жабрланувчи қонуний вакили, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва судга оид тиббиёт экспертизасининг, суд-биологик экспертизасининг, суд-тиббий криминалистик экспертизасининг, суд-психиатрия экспертизасининг хулосалари, ҳамда юқорида келтирилган далиллар билан тўлиқ рад этилади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди, яъни *“Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда, яъни ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш”* да ифодаланган жиноят аломатлари билан қуйидаги асосларга кўра нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида *“...Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг,*



судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.”-деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддаси иккинчи ва учинчи хатбошида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ҳамда айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасида – “Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим”-деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 5-бандига кўра, судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак.

Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди, яъни *“Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш”*да ифодаланган жиноят аломатлари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 12-бандига мувофиқ “Қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «ж» банди билан квалификация қилишда айбдорнинг қасди ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришга қаратилган бўлганлигини аниқлаш шарт. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, қонун ўта шафқатсизлик тушунчасини одам ўлдириш усули билангина эмас, балки, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи бошқа ҳолатлар билан ҳам боғлайди. Ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усуллариغا, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғрик берувчи заҳардан фойдаланиш, тириклайин ёқиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларни ҳам киритиш мумкин. Баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ



азоб-уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши, деб баҳоланиши мумкин. Жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгида одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозим. Жабрланувчининг яқин кишилари қаторига, унинг яқин қариндошларидан ташқари, жабрланувчи билан алоҳида шахсий дўстона муносабатда бўлган шахслар ҳам кириши мумкин.”-деб тушунтириш берилган.

Судда тасдиқланган ва дастлабки терговда тўпланган далилларга кўра, судланувчи ХХХХ 2024 йил 16 октябрь куни соат 19:30 ларда қасддан ўлдириш учун марҳум ХХХХнинг кўкрак соҳасига бир маротаба пичоқ урганида ҳеч ким кўрмаганлиги, унинг қорин соҳасига бир маротаба пичоқ урганида марҳумнинг турмуш ўртоғи ХХХХ кўриб қолган бўлса-да, унинг қасди ХХХХни қасддан ўлдириш билан камраб олинганлиги, лекин унга яъни жабрланувчига қаттиқ азоб-уқубат етказишга қаратилмаганлиги судланувчи, жабрланувчи қонуний вакили, гувоҳларнинг кўрсатувлари ва судга оид тиббиёт экспертиза хулосалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан ўта шафқатсизлик билан марҳум ХХХХни қасддан ўлдирмаганлиги исботланган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, суд судланувчи ХХХХнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди, яъни *“Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда, яъни ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш”* да ифодаланган жиноят аломатлари бўйича нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва Олий суд Пленуми Қарори талабларидан келиб чиқиб, суд судланувчи ХХХХнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмига яъни *“Қасддан одам ўлдириш”* да ифодаланган жиноят аломатларига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, судланувчи ХХХХга жазо тайинлашда айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси борлигини, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, оилавий шароитини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, мастлик ҳолатида ушбу жиноятни содир этганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи ХХХХга жазо тури ва меъёрини белгилашда, айбига қисман иқрорлигини, муқаддам судланмаганини, ёшини, оилавий шароитини, жиноятнинг содир этилиши сабабларини, жабрланувчининг даъвоси борлигини, вояга етмаган фарзандлари борлигини тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини ҳамда жазони ҳам енгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, судланувчига нисбатан, у айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “б” бандида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда ўташ тайинланади”-деб белгиланганлиги сабабли судланувчи ХХХХга тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим топади.

Суд наркологик экспертизасининг 29.10.2024 йилда берган 313-сонли далолатномасига кўра, ХХХХ сурункали алкоголизм касаллигига чалинганлиги ва даволанишга муҳтожлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида мажбурий даволаш чораларини қўллашни лозим топади.

Суд жабрланувчи қонуний вакили ХХХХга етказилган моддий ва маънавий зиённи ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек, суд ҳукм қонуний кучга киргач, ашъвий далил деб эътироф этилган ҳодиса содир бўлган жойдан олинган қонга ўхшаш доғларни, бир дона дастаси оқ-қора рангли пичоқни, марҳум ХХХХнинг эғнида бўлган кийимларини йўқ қилишни ҳамда бир дона “CD” ва 3 дона “DVD” дискини жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

ХХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 12 (ўн икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси



тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2024 йил 17 октябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан XXXXга нисбатан жазони ўташ жойларида алкоголизмдан мажбурий равишда даволаниш чоралари белгилансин.

XXXXга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамокда қолдирилсин.

Жабрланувчи қонуний вакили XXXXга етказилган моддий ва маънавий зиённи ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил деб эътироф этилган ҳодиса содир бўлган жойдан олинган қонга ўхшаш доғлар, бир дона дастаси оқ-қора рангли пичоқ, марҳум XXXXнинг эғнида бўлган кийимлари йўқ қилинсин, бир дона “CD” ва 3 дона “DVD” диски жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Апелляция шикоятни ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 10 сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, шу тартибда кассация шикоятни ёки протести келтириши мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/ **О.Ҳайитов**

Халқ маслаҳатчилари: /имзо/ **Р.Хуррамов**

/имзо/ **А.Холматов**

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:



МАЪЛУМОТНОМА

XXXX (Xurramov Anvar Abdukarimovich), 27.04.1977 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотларини олмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Сурхондарё вилояти, Музробот тумани, “Меҳригиёҳ” маҳалласида яшовчи, иш бўйича 18.10.2024 йилда “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 17.10.2024 йилдан қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан



1-1907-2401/76-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, гувоҳларнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, ҳукм қилган.

ФАБУЛА: Судланувчи **XXXX** 2024 йил 16 октябрь куни соат 19:30 ларда Музработ тумани, “Меҳригиёҳ” маҳалласи Бунёдкор кўчаси 49-уйда яшовчи фуқаро **XXXX**нинг яшаш хонадонига маст ҳолатда бориб, қизи **XXXX** билан “**ишқий муносабатда бўлиб юрганидан гумон қилиб ҳамда 12.10.2024 йилда қизи XXXXнинг яшаш уйига кирганлиги, маҳаллада шарманда бўлган**” лиги сабабли ундан ўч олиш ва қасддан ўлдириш мақсадида, ўзи билан бирга олиб келган пичоғи билан яшаш уйи ҳовлисида **XXXX**нинг турмуш ўртоғи **XXXX**нинг **кўз ўнгида XXXXнинг кўкрак қафасига ва қорин соҳасига икки маротаба** санчиб олиб, **XXXX**нинг ҳаёти учун хавфли бўлган турдаги тан жароҳатларини етказган ҳамда воқеа жойидан яширинган.

Натижада **XXXX** оғир тан жароҳатлари билан туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган, кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан **XXXX** вафот этган.

РСТЭИАМ Сурхондарё филиали Музработ пунктининг 25.10.2024 йилдаги 32-сонли хулосасида, марҳум **XXXX**нинг ўлимига кўкрак қафаси ва қорин бошлиғига тешиб ўтувчи санчма-кесма жароҳатлари, юракнинг ўнг бўлмачаси ва чап ўпка юқори бўлагининг санчиб кесилган жароҳатлари сабаб бўлганлиги, ушбу жароҳатлар ўлимдан олдин олинган бўлиб, мазкур ўлим содир бўлиши билан тўғридан тўғри боғлиқлиги ҳамда ўткир санчувчи-кесувчи жисмнинг икки маротабалик зарби таъсирида келиб чиққанлиги, ушбу жароҳатларни оғирлик даражасига кўра **ҳаёт учун хавфли бўлган “оғир” турдаги тан жароҳатлари** деб баҳоланганлиги кўрсатилган.

Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 26.02.2025 йилги ҳукмига кўра:

XXXX (Xurramov Anvar Abduraimovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган ва унга шу модда билан 12 (ўн икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилиши белгиланган.

Жазо муддати 2024 йил 17 октябрдан бошлаб ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан **XXXX**га нисбатан жазони ўташ жойларида алкоғолизмдан мажбурий равишда даволаниш чоралари белгиланган.

XXXXга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамокда қолдирилган.

Жабрланувчи қонуний вакили **XXXX**га етказилган моддий ва маънавий зиённи ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил деб эътироф этилган ҳодиса содир бўлган жойдан олинган қонга ўхшаш доғлар, бир дона дастаси оқ-қора рангли пичоқ, марҳум **XXXX**нинг эғнида бўлган кийимларини йўқ қилиш,



бир дона “CD” ва 3 дона “DVD” дискини жиноят иши ҳужжатларида сақлаш белгиланган.

Ҳужжат имзоланган: Хайитов Ойбек Ҳақбердиевич, 03.03.2025

